

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 16-may • Seshanba • 56 (27.548) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«SAVE THE CHILDREN»

ЭРТАНГИ КУН FАMХЎРЛИГИ ХАҚИДА

Буюк Британияда жойлашган «Save the Children» («Болаларни асраш») халқаро инсонпарварлик ташкилоти «Жаҳонда оналик ва болаликнинг ҳолати тўғрисида»ги йиллик ҳисоботини эълон қилди. Унда Ўзбекистонда бу соҳадаги ҳолатга юқори баҳо берилган.

Тақдим этилган маърузага мувофиқ, дунёнинг 125 давлати орасида аёллар учун қўлай шарт-шароитларнинг яратилиши даражаси бўйича мамлакатимиз 19-ўринни, оналикни ҳимоя этиш бўйича эса 27-ўринни эгалдайди. Бу Марказий Осиёдаги энг яхши кўрсаткич,

МДХ ва Осиё ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Таққослаганда шуни кўриш мумкинки, «Save the Children» рейтингини бўйича Россия мазкур рўйхатнинг биринчи банди бўлиб 29, иккинчи банди бўйича эса мамлакатимиз каби 27-ўринни эгаллайди, Қозғоғистон 29 ва 32, Хитой — 29 ва 39, Руминия 39 ва 39, Туркменистон — 22 ва 44, Қирғизистон — 63 ва 52, Тожикистон — 45 ва 69, Туркия — 79 ва 74-ўринларни банд этган.

«Жаҳон» АА

ЎЗХДП ҳаёти

ЭРТАНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

бу кўп жихатдан ҳар бир партия аъзосининг фаоллиги, жонқуярлиги ва ташаббускорлигига боғлиқ, дейилди ЎЗХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида

Ҳамма вақт ҳам олданда бўлиш, одамлар ишончини қозониш, эл-юрт хизматини кўнгилдагидек адо этиш осон иш эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда Халқ демократик партияси фояларига содиқ, у олдинга сураётган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун янада фаол ва албатта, ташаббускор бўлишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Сурхондарёда бўлиб ўтган ЎЗХДП вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида ўртага ташланган масалалар ҳам анжуман иштирокчиларини бефарқ қолдирмади. Чунки унда «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленумидан келиб чиқадиган ҳулосалар ва вилоят партия ташкилотларининг мафқуравий ишлар самардорлигини оширишдаги устувор вазифалари» муҳокама этилди.

Ушбу масала юзасидан ЎЗХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Хамро ЭРМАТОВ маъруза қилди.

— Кейинги бир йил давомида партияимиз ҳаётида муҳим воқеалар рўй берди, — деди нотиқ ўз сўзида. — Маълумки, ўтган йил партияимизнинг V қўрултоғи бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон ХДПнинг янги Дастури қабул қилинди. Ушбу қўрултоғ барча партия кенгашлари ва ташкилотлари фаолиятида кескин бурилиш ясади. Шу йил 1 апрель кuni бўлиб ўтган Марказий Кенгашнинг IV пленумида эса мафқуравий ишлар самардорлигини ошириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди. Бизнинг мақсад ва мудоаларимиз жуда теран ва салмоқли.

Уларни амалга ошириш учун биринчи навбатда партияимизнинг мафқуравий салоҳиятини янада ошириш, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг сиёсий ва мафқуравий ишларини жонлаштириш зарур.

— Биз асосий диққат-эътиборни ёшлар ва хотин-қизлар фаоллигини ошириш масалаларига ҳам қаратишимиз керак, — деди маърузачи. — Ишсиз юрган, айниқса қишлоқда истиқомат қилаётган ёшларни ҳамда касб-хунар коллежларини битирган дипломли мута-

хассисларни ўз йўналиши бўйича иш билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Вилоятда 67 та касб-хунар коллежи мавжуд. Уларни ҳар йили қарийб 11 минг нафар ёшлар битиради, шулардан санокчиларига ўз мутахассислиги бўйича ишламоқда.

Хозирги пайтда партия тузилмаларида фаоллик сезиларли тарзда ошган бўлса-да, мафқуравий соҳада бир-бири билан боғлиқ бўлмаган оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказишдан на-рига ўтилмапти. Қўллаб-қувватлаш Термиз шаҳрида ўтказилаётган бундай тадбирлар иштирокчилари доираси партия фаоллари билан чекланмоқда.

Эл оқсоқоллари, обрўли кишиларни ёнимизга олиб ўз фояларимизни одамлар, айниқса ёшлар онгига синдиришимиз лозим. Бунинг учун эса аввало партия фаолларининг ўзи дунёдан хабардор, ўқиб ва излашда бўлсин. Чунки ўзи мафқуравий билимга муҳтож одам бировага кўмак беролмайди. Ҳаётимизда муаммолар, камчиликлар йўқми? Нима учун партияимиздан сайланган депутатлар, депутатлик гуруҳининг аъзолари халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида бўлаётган сессияларда «жимигна» ўтиришибди? Халқ уларни нима учун сайлаб қўйганини нахотки улар унуттишган?

Адолатли фикр, тўғри сўз айтилмаса, мавжуд муаммолар кўтариб чиқилмаса ўқиб, олган сўзлар бўлмайди. Ҳақиқат — кўп фикрлиликда, бахсларда турғилди, деб беҳиз айтилмаган.

Музокарада сўзга чиққанлар вилоят партия ташкилоти олдида турган муҳим вазифалар ҳақида фикр билдирдилар.

Абдукарим АХМЕДОВ, вилоят касаб-ушмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Бугунги пленумда жуда муҳим, керакли гаплар ўртага ташланди. Лекин уларни амалга татиб қилишда ҳар бир партия фаолининг жонқуярлиги, ташаббускорлигига кўп нарс-а боғлиқ деб ўйлайман. Сабаби иш фақат сўзлар, ваъдалар билан эмас, амалий жавоблар билан белгиланади.

Партия кенгашлари охири

пайтларда ўзини ўзи бошқариш органи, яъни маҳаллалар билан кўнгилдагидек иш олиб бормаяпти. Бу бизнинг катта хатоми-з. Ахир маҳалла катта куч. Маҳалла фуқаролар йиғини раисини сайлашда биз ҳам бошқа сиёсий партиялар каби партияимизнинг фояларини қўллаб-қувватлайдиган, бизга содиқ кишиларни маҳалла раислигига тавсия этайлик. Ана шунда партияимизни қўллаб-қувватлайдиганлар оғинада ошад.

Тўрабек ЗОИРОВ, ЎЗХДП Термиз туман кенгаши раиси:

— Эртанги ютуғимиз бугундан бошланади. Амалга ошираётган ижобий ишларимиз ҳам кам эмас. Туманимизда бизнинг партияимизга хайрихоҳ бўлган кишилар сони тобора ошиб бормаяпти. Масалан, биргина апрель ойида элликка яқин ёшлар партияимизга аъзо бўлишди. ХДП сафларини номингга тўлдирмасдан, ижодий фаол, эркин фикрловчи, фидойи, ўз фикрига эга одамларни сафимизга тортишимиз керак. Чунки бугун у партиядан бунисига «учиб» юрмиш эътиқодсиз ўн кишидан, эътиқодсиз мустаҳкам, билими бор бир киши кўпроқ нафлидир, деб ўйлайман.

...Пленум ана шундай фикрларни ўртага ташлади, баҳс-мунозараларга бой бўлди. Шунингдек, ХДП вилоят кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ўртасида олий борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорини баҳарий юзасидан чора-тадбирлар режаси белгиланди ҳамда ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишнинг бориши ҳақидаги ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва сўзга чиқди. У пленум ақинида партия сафига қабул қилинган бир неча ёшларга партия билетларини топширди.

Абдураҳман ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, эртанги, узоқ давомли режаларимизни қураётганимиз, юртимизни бошқа давлатлар ва минтақалар билан боғлайдиган йўллар ва коммуникацияларни барпо этиш масаласи доимо диққат марказимизда туради.

Ислом КАРИМОВ



ОЙДИН ОРЗУЛАР

«ТОШГУЗАР — БОЙСУН — ҚУМҚЎРҒОН» ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШИДАН РЕПОРТАЖ

анча арзон нархларда Афғонистон орқали экспорт-импорт жараёнларини амалга ошириш имконияти туғилади. Бу эса жаҳонга юз тугаётган мамлакатимиз учун жуда-жуда аҳамиятлидир.

Ушбу йўналишнинг умумий узунлиги 223 км. бўлиб, унда 6 та темир йўл бекати, 10 та разъезд, 44 та кўприк, 507 та турли иншоотлар барпо этиш режалаштирилган.

2003 йилда мазкур иншоотнинг дастлабки — «Тошгузар — Деҳқонобод» йўналишида қурилиш ишлари бошланди. Йўлларни текислаш ва пўлат излар ётқиқишда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик

компаниясининг капитал қурилиш ҳамда йўл ҳўжалиги бошқармалари мутахассислари ва республикамиздаги ўнлаб пудратчи ташкилотлар жамоалари жонбозлик кўрсатишди. Айниқса, «Қўприққурилиш» трести, Қарши минтақавий темир йўл узели, «Қарширемстройснаб», Қарши МРСУ-36, «Узавтйўл», «Ўзбекгазсувқурилиш» очик акциядорлик жамияти ва бошқа қурилиш-монтаж ташкилотларининг минглаб ишчи-хизматчиларига тасаннолар айтса арзийди. Баҳамжihat ҳаракат, мураккаб муҳандислик юмушлари — муваффақиятларга бош омил бўлди. Ватанимиз мустақилли-

гининг 13 йиллик тўйи арафасида аср қурилиши илк нишона берди.


2004 йилнинг 20 АВГУСТИ... Бу кун нафақат темирйўлчилар учун унутилмас сана, балки Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари халқлари учун ҳам фароғат кунлардан бири бўлди...

Уша кuni «Тошгузар — Деҳқонобод» йўналиши бўйлаб дастлабки 57,7 километр масофада поездларнинг илк ҳаракати кузатилди. Қиска даврда иккита кўркем станция, 3 та разъезд, 12 та кўприк, 85 та иншоот битказилди. Ўзига хос байрам, шуқули лаҳзалар ҳали-ҳануз кўпчилиكنинг хотирасида.

ИККИНЧИ БОСКИЧ. «Қумқўрғон — Бойсун» йўналиши...

Бунёдкорлик ишлари сурони Сурхондарёга кўчди. Табиати ҳийла мураккаб шароитли 5,5 миллион куб метр тулрок таш, 2 миллион куб метр тоғ қояларини портлатиш ишлари режалаштирилди. Саккиз ойда «Қумқўрғон» ва «Бойсун» бекатлари, Пулҳаким, Тангимуш, Ожар разъездлари, иккита кўприк, 159 та турли иншоотлар барпо этилди. Уларга 62,2 миллиард сўм маблағ сарфланди.

2-бет



МАЛАЙЗИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ — ТОШКЕНТДА

Мамлакатимизга таширф буюрган Малайзия Парламентининг Вакиллар палатаси Спикери Тан Сри Дато Рамли бин Нгах Талиб раҳбарлигидаги делегация 15 май кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзиянинг ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил октябр ойидаги Малайзияга давлат таширфи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш учун янги имкониятлар очгани алоҳида кайд этилди.

Олий Мажлис Сенати раиси Илгизар Собиров билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасида қўнун ижодкорлиги соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Бу борадаги алоқалар ривожини софат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда Малайзия парламент делегациясининг мазкур таширфи муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси муфтий Абдурашид қори Баҳромов билан ҳам учрашди. Пойтахтимиздаги Темурйўл тарихи давлат музейини бориб кўрди.

(ЎЗА)

ГЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ ЯНГРАДИ

14 май кuni Бельгиянинг Гент шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича Жаҳон кубоғи доирасидаги мусобақалар якунига етди. Унда Ўзбекистонлик Оксана Чусовитина таъниб сакраш бўйича олтин медални қўлга киритди.

Юртдошимиз мусобақанинг уч тури бўйича финал босқичига чиқа олган ягона гимнастикачи бўлди. Таъниб сакрашдаги олтиндан ташқари, Оксана брусда бажарилган машқларда тўртинчи ҳамда бревнадаги мусобақаларда бешинчи ўринни эгаллади. Мусобақаларда дунёнинг 33 мамлакатидан 110 нафар гимнастикачи иштирок этди.

Халқаро спорт гимнастикаси федерацияси вакили Зигфрид Функ О.Чусовитинанинг Гентдаги чиқишини «катта муваффақият», дея таърифлаб, мутахассислар Ўзбекистон терма жамоаси етакчисининг 2008 йил Пекинда бўлиб ўтажак Олимпиада уйинларидаги иштирокини катта қизиқиш билан кутаётганини айтди.

«Жаҳон» АА



ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йил ижроси ва 2006 йил I қорак якунига доир материаллар ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Мазкур масала юзасидан Молия вазирининг биринчи ўринбосари Баҳром Ашрафонов ахборот бериб, депутатларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг 2005 йилги ҳисоботи тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Республика Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари Бехзод Мусаев депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Шунингдек, «Ипотека тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси ҳақидаги масала юзасидан Қўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинқон Исмоилов сўзга чиқиб, иккинчи ўқишда депутатлар муҳокаماسига қиритилаётган қўнун лойиҳасининг қатор мод-

далари соддашатирилганилиги, қўшқартирилганилиги ҳамда таҳририй тузатишлар қиритилганилиги ҳақида маълумот берди.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар қиритиш ҳақида»ги қўнун лойиҳаси (биринчи ўқиш)ни муҳокама қилдилар. Маълумки, мазкур қўнун лойиҳаси Президентимизнинг 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташвиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Фракция аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари, мақсадли вазифалари ҳисобга олинган ҳолда 2005 йилга ва келгуси йилларга мўлжалланган қўнунчилик фаолияти дастурига ўзгариш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисидаги масалани муҳокама этдилар.

Шунингдек, депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2006 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишларига ўзгариш ва қўшимчалар қиритиш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Бу икки масала бўйича йиғилишларга фракция раиси ўринбосари Анатолий Козлов ахборот берди.

Йиғилиш давомида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси ЎЗХДП Марказий Кенгаши томонидан билдирилган таклифлар муҳокама қилинди. Жойлардаги партия кенгашлари ва Марказий Кенгаш ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ишлаб чиқилган ушбу таклифлар лойиҳанинг маромига етказилишига хизмат қилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракция нўқтаи назари белгилаб олинди.

Маъмуржон МАХМУД, «Ўзбекистон овози» муҳбири

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40

www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HANKORI!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, faks: 133-20-74

WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

ПАХТА БАНК — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

Хеч кимга сир эмаски, бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятлари, ҳатто баъзи туманлари марказларида «мардикор бозор»лар пайдо бўлган. Ўзбекистон ХДП тошкентлик томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ана шундай «бозорлардан 46 таси мавжуд. Буларга кўнрага ўртача 50 минг одам чиқади. Улар асосан 18 ёшдан, 60 ёшгача бўлган кишилардир. Кейинги пайларда бундай «бозор»ларнинг пайдо бўлиши сабаблари, уларни тартибга солиш ҳақида турли фикрлар билдирилмоқда. Кимдир «мардикор бозор»ларнинг барчасини рўйхатга олиб, расмийлаштириш керак деса, яна кимдир уларни тақиқлаш керак, дейди. Бошқа биров эса, агар ишсиз юрганлар иш билан таъминланса бундай бозорлар ўз-ўзидан тугаб кетади, деган фикрни илгари суради.

Хуллас «мардикор бозор»лари атрофида айtilган ва айtilмаган гаплар кўп. Мухбиримиз Тошкент, Термиз, Қарши ва Самарқанддаги «мардикор бозор»ларида мардикор сифатида юрди, сўнгра журналист сифатида қатор туман ҳокимлари билан суҳбатлашди...

Мамлакатимиз муастаклилга эришган, биз ривожланишнинг бозор иқтисодиёти йўлини танлагдик, бозор иқтисодиётининг эса шафқатсиз қонунилари бор. Мулк ҳусусийлаштиб боргани сайин фойда-зарар ҳисоб-китоб қилинади. Бирорта меҳнат ҳаммаси раҳбари орқича ишчи кучи сақлашдан манфаатдор эмас. Табиийки, ҳар бир тадбиркор, мулкдор кам харажат қилиб кўпроқ даромад олишни ўйлайди. Натижада иш ўринлари ўз-ўзидан қисқаради, ишсизлик пайдо бўлади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бу жараёнда ўта бойлар ва ўта камбағаллар қатлами вужудга келади. Аммо, Ўртабосқим Истиклолнинг дастлабки кўнралидарноқ жамиятда бундай кескин табақаланиш юз беришининг олдини олиш учун бозор иқтисодиётига ўтish жараёнида аҳолини иқтимоий ҳимоялаш масаласини кўн тартибига қўйди. Бу борада ҳукумат томонидан жуда кенг қўламли ишлар бошланди. Тадбиркорлик ва фермер ҳўжаликларини ривожлантиришнинг ҳўқуқий асослари яратилди. Бандлик дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этишга киришилди.

Президентимиз яқинда имзо чеккан «Йирик санат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликлариди чорва молларни қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа қатор Фармон ҳамда қарорлари бевосита аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган.

Аммо, аччиқ бўлса-да, тан олиш керак, бандлик масаласига ҳамма жойда ҳам маҳаллий ҳокимликлар етарли эътибор бераётгани йўқ.

БИРИНЧИ КҮН

Қўйликдаги «мардикор бозор»идаман. Тўдага киришни билан ёши 50 лардан ошган киши суради: «Иш борми, ука?». Мен ҳеч нарса демасдан қўлиб қўйдим. Шунда у: «а, сен ҳам ўзимизданими? Студентмисан? Ўзимизда ишлайман десанг, хо анови ерга бор...» — гала-гувир жойни кўрсатди у. — Россияда ишлайман десанг анаву аёлларга учраш...

Икки аёлни одамлар ўраб олган. Чамаси 35 ёшлардаги бир киши сурапти: «Алдамайсизларми ўзи. Утган йил борган эдим. «Яхши иш бор», деб олиб кетишди, 7 ой ишлатиб-ишлатиб, ваъда қилган 600 доллар ўрнига 200 доллар бериб хайдаб юборишди. Шунга ҳам зўрға, жанжал билан ундирдим. Уйга етиб келгунимча у ҳам тугади...»

— Бизда унақамас, — бўш келмайди аёллар ҳам. — алдамимиз. Ўшга 60 доллардан тўлаймиз. Озиқ-овқат, ётоқ текин... — Майли, мен ўйлаб қўраман, — деди қизикатган одам ва нари кетди. Мен ортидан бориб сурадим:

— Ака, ойнаг шунча пулни шу ерда топиб бўлмайдингми?

— Бўлади. Лекин у ёққа бир бориб олганидан сўнг бошқа жойларда ҳам ишласа бўлади... Кўпроқ пул топиш имкони бор. Булар самолётга билетни ҳам узлари олиб берадилар...

Йўл четида «Нексия» машинаси тўхтади. Унинг атрофини бир пасда одамлар ўраб олиб, тўрт томондан саволга тўтишиди:

— Ака, нима иш?

— Ариқ қазиш, лоток қўйиш керак.

— Қанча берасиз?

— Юз минг. Атрофини текислаб, тош ҳам ётқизи берасиз. Уз киши керак...

— Юз минг ҳам. Иш кўп экан...

— Бекор ўтирибсизлар-ку? Иш топиганига хурсанд бўлмайсизларми? Овқат, ётоқ жойдан ташқари оз минг камми? Хоҳласангиз шу... Мана, машина, чикинглар...

Ўрта ёшлардаги киши уч нафар мардикор кераклигини айтди. — 180 қол ишгани юк машинасига ортиш керак. Ҳар биринга 2000 сўмдан бераман...

Мардикорлар 3500 сўмдан сурашди. Охири унинг айтган нарҳида ишлашга Фарход, Умид исмли йигитлар ва мен рози бўлдик.

«Сувсоз» даҳасида хонадонна-хонадон юриб қолпарни «Зил-130» машинасига юкладик. Бахонада йигитлар билан танишиб олаяман. Фарход — 1982 йил Қашқадарё вилоятининг Чирочику туманида туғилган. Уйланган. Бир нафар фарзанди бор. Умид эса 1986 йилда Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида туғилган...

— Уч хонали квартирада 20-30 киши тура-миз, — дейди Фарход. — Кунига ҳар биримиз уй эгасига 500 сўмдан тўлаймиз.

— Овқатни ким пиширади?

— Овқат пиширмаймиз. Ишлаган жойимиздан овқатланиб қайтамыз. Баъзи хонадонларда жуда яхши қарашади, айримлари қуруқ макорон қайнатиб бериб, уни ҳам миннат қилишади.

— Иш топилай қолган кўнрада-чи?

— Яшайдиган уйимизнинг пастиди хотинлар уйдан овқат пишириб чиқиб сотади. 200 сўмга қорин тўйди...

— Ойнаг қанча топасиз?

— Юз минглр атрофида...

ИККИНЧИ КҮН

Кеча бироз тажриба тўплагандим. «Бозор»даги беғонасириш ўтиш кетди.

Одатдаги манзара: мардикорлар келганларни бир пасда ўраб олишади.

Йўл четида тўхтаган машинадан қорандан келган, соқоллари ўсган бақувват бир киши тўтди. У ҳовлиси атрофини гишт тегиб ўраш кераклигини айтди ва «мен қилиб бераман»

деганлардан ўдағайлаб сўрай бошладим:

— Ишингга жавоб бера оласанми? Ўзи қўлингдан келадими? Шу ишни аввал ҳам қилганмисан?...

— Мен устаман. Гишт тераман, — деди бир йигит. — Ишимга жавоб бераман...

— Агар бузиб қўйсанг, билиб қўй, харажати тўласан...

— Розиман, кетдик.

Шундай қилиб бугун ҳам «бозор»га биров келди: «катта бир қурилишни бузиш, бетонларни майдалаш керак» деб, бошқа биров келди: «ертулани тозалаш керак», яна бошқа бири: «ариқ қазиб, замбилда тупроқларни ташин керак», деб. Лекин, талабдорлар қанча келмасин, бу ердагиларнинг барчасига иш топилиши қийин эди.

ДОЛЗАРЬ МАВЗУ

БАНДЛИК МУАММОСИ:

АҲВОЛ, ҚАРАШЛАР, ТАКЛИФЛАР...

ТУШЛИК НАСИЯГА ҚОЛДИ

Учинчи кўн. Яна Қўйлик бозоридаман.

— Юринг, борасизми? — деди биров елкадан туртиб.

— Бораман, қаёққа?

— Бир «КамАЗ»га сабзи юклаш керак экан. Тезроқ, бўлмаса қуруқ қоламыз. Сақиз минг сўм бераман, деапти.

Уч киши машинага ўтириб Пскент туманига йўл олди. У ерда хонадонларга, қириб, олдиндан қўлаб қўйилган сабзиларни машинага юклаш бошладик. Соат 16.00. Қорин оч. Бизни ёллаган Анвар ака биздан сўнг тушлик қилиб беришга ваъда берган...

Ҳамроҳларимнинг бири шаҳрихонлик Қажрамон ака. 1964 йилда туғилган. Оилали. Уч нафар фарзанди бор. Иккинчи ҳамроҳим Омон ака. 1966 йилда Қорасан вилоятида туғилган. Оилали. Уч нафар фарзанди бор. Олий маълумотли. Ҳозирги Тошкент давлат техника университетини тавомоллаган. Уч йил давомида қурилиш ташкилотидида иш юритувчи бўлиб ишлаган. Штатлар қисқариши билан бироз мўддат хусусий фирмаларда ишлаган-у бўлмаган шекилли, ҳуллас, ҳозир мардикор бозориди.

Қорин оч... Анвар ака Тошкентга борганимиздан сўнг «тушлик» қиламиз, деб қолди. Қўйлик бозоридида бизни «катта ҳўжайин» кўти турган экан. У дарров 175 қол шолғомини ҳам ортиб машинани тезроқ жўнатиш кераклигини айтди. Биз соат 17.00 дан ошганилигини, ҳали тушлик қилмаганлигимизни айтдик.

— Вой... — деди у мийғида қўлиб. — Шуниям ортайлик, кейин ўзим аяшхил қоринларингни тўйғизаман...

Биз яна ишга тушдик. «КамАЗ»ни жўнатаётганимизда билдикки, «катта ҳўжайин» аллақачон жуфтақни ростлаб бўлган эди. Анвар ака эса пулни берди-ю, тезда гоийб бўлди. «Тушлик» насия қолди. Ҳамроҳларимдан бири «диёнатсиз одам экан, қўямат кўнунда бу қор бўйида бўлади» деди алам билан.

Чорсу бозори ёнидаги «мардикор бозори. Бу ер аввалги кўрган (Қўйлик, Юнусобод бозори атрофидаги) жойларимиздан бироз фарқ қилади. Кўнчилик кўрагига бир парча қозғ қистириб олган. Унда қандай ҳўналарни бормиги ёзиб қўйилган. Демак, булар ҳар ишга қопиб кетаверадиган ва ҳар иш қилганидан «келадиган» мардикорлар эмас, балки ҳўнамандлардир. Аммо оддий мардикор ҳам бисёр.

Улар билан ҳам танишиб олдим. Қўплари Чирочику туманидан экан. Иш камлиги сабабли топаётган пуллари фақат ётоқ жой ва овқатга кетаётганлигини айтиб қолишди.

«Мардикор бозор»идагилар билан кўп суҳбатлашдик. Уларнинг қўплари бир гапни такрорлашди:

— Ўзимиз томонда иш бўлганида Тошкентга келаримизди?

Тахририятда маслаҳатлашиб, «мардикор бозор»ларида қайси тумандан одам кўп уратган бўлсак, айнан ўша туманларда бандлик масаласига қандай эътибор берилаётгани билан танишишга қарор қилдик.

ҲОКИМЛАР ИНТЕРВЬУ БЕРИШМАЙДИМИ. ?

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани ҳокими билан суҳбатимиз узоқ давом этмади. У киши қўлимиздаги диктофони қўриб: «Ҳузир қўйинг, ҳокимлар интервью беришмайди», — деди.

Ўрол Бобоқўлов бизга туманда 58 та мактаб, 3 та касб-ҳўнар коллежи борлигини, мактабларни ўтган йили 2500 нафар ўш тўғатиш, уларнинг 270 нафари олий ўқув юрталарига кирганилигини айтди. Бироқ, қолганларининг тақдирини нима бўлганлиги ҳақида аниқ фикр билдирилмади.

Гап — айнаи шу 2230 нафар навқирон куч ҳақида эди. Ўтган йили касб-ҳўнар коллежларини қанча ёш битиргани ҳақида ҳокимнинг умуман маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди.

лум бўлди.

— Мен бу саволларга жавоб беришга тайёр эмасман, — деди у дангал. — Буни бафуржа ўтириб, ҳисоб-китоб қилиб чиқиш керак...

Шундан сўнг ёрдамчисини чақирди. Икковлашиб стол устидаги барча қорозларни титқилаб қўришди. Аммо, улар орасидан ўтган йил тумандаги мавжуд коллежларини қанча ёш тўғатганлиги, уларнинг қанчаси олий ўқув юрталарига, қанчаси ишга кирганлиги, қанчаси ишсизлиги ҳақидаги маълумотлар топилмади.

— «Бу сизга ўзи нимага керак?», «Нима қиласиз?», «Мавзу ўзи нима?» — саволлар бера бошлади ҳоким.

Биз мавзу бандлик муаммосини ечиш бўйича туманда олиб борилаётган ишларни ўрганиш эканлигини айтдик. У.Бобоқўлов ўтган икки йил давомида 3095 та янги иш ўрни яратилиб, ун заводига 300 минг АҚШ доллари миқдориди инвестиция киритилганлигини айтди.

— Туманда бу йил 2675 нафар ўқувчи ўрта мактабларнинг 11 синфини, яна юзлаб талаба коллежларини битиради... Бу рақамлар ҳудудда ишсизлар сони йил сайин ошиб бораверишидан дарак бермайди-ми? — сўраймиз яна.

— Тўғри, ишсизлик бор. 2006 йилда 5500 та иш ўрни яратмоқчимиз...

— Тошкент шаҳридаги «мардикор бозор»ларида шўрчилик қўлаб фуқаролар, ҳусусан ёшлар иш қидириб юришибди...

— Бўлиши мумкин. Ҳар кимнинг ҳўқуқи, қаерда ишласа. Ҳар қандай ривожланган мамлакатда ҳам 5 фойз ишсизлик бўлади. Марҳамат, туманга қайтсинлар, мол боқисин...

2586 нафари касб-ҳўнар коллежларига кирган... Қолганлари ҳақида эса маълумот йўқ. Гап бу ерда оддий бир рақам ҳақида эмас, 1499 нафар ёш тақдирини ҳақида эди. Ҳоким ўринбосари оддийгина қилиб: «улар ота-онаси қарамоғида» деб қўққолди.

Яккабоғ тумани ҳокими Зафар Рўзиев муаммо сабабини бошқача шарҳлади:

— Ишлайман деган одамга шу ерда ҳам иш кўп. Мана. Президентимизнинг касаначилик бўйича Фармони чиқди. Қўлингга ҳўна-ринг борми, марҳамат, ҳамма шароит бор. Улар дангаса одамлар. Енгил йўл билан пул топишни хоҳлайди. Мана, ҳозир деҳқон ҳўжаликларини ташкил этаймиз. Жами 7000 га яқинлашди.

— 2004-2005 йилларда қанча ишчи ўрни яратилган?

— Кўп, 2004 йилда қўшма корхона қурилди. «Яккабоғтекс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасининг ўзи 200 кишини иш билан таъминлади...

Ўтган йили ўрта мактабларни қанча ёш битиргани ва уларнинг кейинги тақдирини билиш учун Халқ таълими бўлимига келдик, бош мутахассис Топтемир Ҳўшвақтов сўйфини узоқ титқилагандан сўнг қандайдир маълумотни топди: «Ўтган йили 3378 нафар ўқувчи ўрта мактабларнинг 11 синфини тугатган. Шулардан 714 нафари олий ўқув юрталарига ўқишга кирган...»

Қолганларининг тақдирини номаълум. Тумандаги 4 та касб-ҳўнар коллежидан учтаси ёш мутахассислар тайёрлаб чиқармоқда. Ҳўш,

улардан қанчаси ишга жойлашди? Бу саволга ҳам жавоб йўқ...

Туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва иқтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Бойназар Даверовнинг айтишича, меҳнат биржасида ҳар доим 35-50 та атрофида бўш иш ўринлари ҳақида маълумот бўлади. Аммо ҳар ойда бўлимига 200-210 киши иш сўраб мурожаат этади. Айнаи кунда туманда 1895 киши ишсиз, деб қайд этилган. Ўтган йили тумандан 2400 нафар фуқаро Россия Федерациясига иш қидириб кетган. Ҳўн-ойлариди уларнинг 1000 нафари юртига қайтиб келган. 13 киши эса, оиласи билан мутлақо алоқани узган...

...ҲЕЧ ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТ ЙЎҚ

Самарқанд вилоятининг Иштихон тумани ҳокими Хомид Шўқуриллаевнинг айтишича, тумандаги 92 та ўрта мактабни бир йилда 7400 нафар атрофида ўқувчи битиради. 4 та касб-ҳўнар коллежини эса 600-650 нафар талаба тавомоллаган. Аммо уларнинг кейинги фаолияти ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бор-йўғи, 450-500 нафар яқин ёшлар ўқилишга қирапти.

Шўқуриллаев бошқа саволларимизга жавоб олишимиз учун ўз ўринбосари Олим Назаровга бизни рўбарў қилди. Назаров эса туман ҳокимлигининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси мутахассиси Баҳодир Норматов ҳузурига мўшлаб борди.

Норматовнинг айтишича, ўтган йили туманда 9 та ширкат ҳўжалиғи тугатилиб, фермер ҳўжалиғига айлантирилган. Бу йил ҳам 5 та ширкат тугатилмоқда.

Ўтган йили 1139 та янги иш ўринлари ташкил этилган. 2005 йилда эса жами 483 та иш ўрни яратиш режалаштирилган. Шундан 27 таси мавжуд корхоналар ҳисобига, 456 таси қисқ корхона ва фермер ҳўжаликлари ҳисобига яратилди.

«УЛАР ОТА-ОНАСИ ҚАРАМОҒИДА»

Сурхондарёдан Қашқадарёга ўтдик. Чирочику туманидамиз. Туман ҳокими ўта банд экан... Кен соат 19.00 да мажлис бошлана-ди. Ўтган йилда. У тугаши билан залга кирдик. Аммо ҳоким Нурилла Қаюмов билан суҳбатимиз қисқа бўлди.

— Тошкент шаҳридаги «мардикор бозор»ларида Чирочику туманидан қўпчилик бор экан... — сўз бошладик.

— Бир нарсани эътиборига оlish керак, Қашқадарё вилоятида энг катта туман — бу Чирочику. Ҳозир аҳоли сони 300 мингдан ортқ, Қаерга бориб ким билан қаллашсангиз Чирочикуданман, дейди. Бу табиий ҳол. Мана туманда ўтган 2005 йилда иккита қўшма корхона ташкил этилди. Тугатилган ширкат ҳўжаликлари ўрнига фермер ҳўжаликлари, ишсиз қолган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида деҳқон ҳўжаликлари ташкил этилмоқда. Шунинг учун ширкат ҳўжаликлари тугатилгани билан аҳоли ишсиз бўлиб қолмайди...

Ҳоким қишлоқ ҳўжалиғи, қорвачилик соҳасида кўп маълумотларни биларкан. Бироқ, тумандаги мавжуд 174 та ўрта мактаб ва 4 та касб-ҳўнар коллежини битириб чиққан ёшларнинг бугунги тақдирини ҳақида бирор маълумот айтолмади. У киши «меҳмонга қаранг» дея биринчи ўринбосари Отаназар Жуманазаровга топширди. Жуманазаров эса ҳоким ўринбосари Бердимурод Жўраевнинг кабинетига бошладим. Бу ерда яна бошқа ходимлар билан биргаликда бизга кераклик маълумотни ахтариб топишди! Ҳайриятки, бир вақтлар тайёрлаган «хисобот» бор экан. Унга кўра «2005 йилда 4476 нафар йигит-қиз ўрта мактабларни битирган. Шулардан 391 нафари олий ўқув юрталарига,

ЭНДИ БИР МУЛОҲАЗА ҚИЛИБ КўРАЙЛИК

Биз суҳбатда бўлган туман раҳбарларининг деярли барчаси тумандаги ўрта мактабларнинг 11-синфлари, касб-ҳўнар коллежларини қанча йигит-қиз битираётгани, уларнинг қанчаси олий ўқув юртига киргани, қанчаси иш билан таъминлангани, қолгани қаерда эканлигини билишмади.

1997 йил 28 август кўни биринчи чақирик Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқиди мамлакатимиз Президенти шундай деган эди: «...11-синфини битираётганлардан, 20-25 минг нафари, яъни ҳаммаси бўлиб 10 фойзи олий ўқув юрталарига ўқишга кириши мумкин.

Қолган 90 фойзи эса на бир аниқ ихтисос, на бир эртанги ҳаётга керак бўладиган малака ва на бир касб-ҳўнарни эгаллай олапти. Ва шунинг оқибатида 16-18 яшар йигит-қизларимиз ўз қобилияти, ҳаваси, интилишларига мос, ҳаётда ўзига мўносиб ўрин тополмаяпти. Кимки бу рақамларни, бу ачинарли ҳолатни чуқур таҳлил қилса, юрагидан ўтказиб, ўзининг шахсий дардидай англаеса, албатта бундай вазиятга бепарво бўлиб қолишга ишонмайман.

Ўрт раҳбари бундан қарийб 9 йил илгари бу муҳим масалага турли даражадаги раҳбарлар эътиборини қаратган бўлсалар-у, нега бугун баъзи туман ҳокимлари «буни ҳоким қаёқдан билиди?» деб ўтирибди? Ахир бу мамлакат тақдирини, миллият қадрига, келажак авлод тақдирини билан бевосита боғлиқ иш эмасми?

ЭРТАМИЗ ЁШЛАРГА БОҒЛИҚ

Мамлакатимизнинг барча туманларида аҳвол шунақа деган фикрдан йироқмиз албатта. Аҳоли бандлиги борасида мўйын ҳарақатлар қилаётган, маълум бир ютуқларга эришадиган туманлар оз эмас. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Музработ туманида бўлганимизда туман ҳокими вазифасини бажарувчи Шамсиддин Орипов билан узоқ суҳбатлашдик. У киши бу ерга вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиғи бошқармаси бошлиғи лавозимидан келганига эндиғина етти ой бўляпти.

— Музработнинг барча тадбиркорлари, бизнес билан шўғулланаётган фуқаролару ишбилармонларини йиғиб қалашдик, — дейди у. — Учрашувга туманда фаолият кўрсатаятган банклр, солиқ инспекцияси, прокуратура ва бошқа идоралар, ташкилотлар раҳбарларини таклиф этдик. Тадбиркорларга айтидикки, қани, фаолиятингизни кенгайтириш, янги иш бошлаш учун кимга қандай ёрдам керак? Кимга ер, кимга имтиёзли кредит, кимга солиқ маслаҳати, кимга ҳўқуқий ёрдам лозим. Одамларни кўпроқ иш билан таъминлаш учун қандай шароит керак?

Ҳозирча ўттизга яқин одам шу масалалар бўйича ариза билан мурожаат этди. Биз уларни кўриб чиқамиз. Ҳисоб-китобларимизга кўра, туманимиз бўйича ҳар йили 70-80 минг чорва моллари сўйилар экан. Молларнинг териси эса деярли мақсадсиз ишлатилади. Агар буларни йиғиб, қайта ишлаш йўлга қўйилса, бу — ҳам одамлар учун иш жойи бўлади, ҳам туман бюджетига ҳам учрашдик.

Уларга меҳнат бўлими 130 миллион сўм, банклар эса 50 миллион сўм имтиёзли кредит берадиган бўлишди. Ҳозир 71 нафар аёл тадбиркорлик билан шўғулланаяпти. Ҳар бири 3 нафардан фуқарони иш билан таъминласа ҳам...

Туманда битта қўшма корхона бор. У ҳам яқин-яқингача ишламаётган эди. Гишт заводлари ҳам... Самарқанд, Тошкент вилоятлари-

даги йирик санат корхоналари билан ҳам-корлик ўрнатиб яқинда икковини ҳам ишга тушираямиз...

Мақтабларнинг 9,10,11-синф ўқувчилари ўртасида туман миқёсда олимпиада ўтказаямиз. Охириги бир ойда 20 та мактабга кирдим. Дарсларга қатнашдик. Қўчи болалар кўп экан...

— Қишлоқ ҳўжалиғи ишлари, пахта, галладан ортиб шундай ишларга улғуриясизми?

— Энди бу ишларни қилмасак бўлмайди. Қишлоқ ҳўжалиғини ўзининг эгалари, унга жавоб берадиган одамлар бор. У ҳам жуда муҳим. Аммо, таълимга, ёшлар масаласига алоқиди эътибор керак. Чўнки, туманнинг эртаси уларга боғлиқ. Фақат бизга бу ишлар самарасини кўриш учун бироз вақт керак...

Самарқанд вилоятининг Ўرғут туманида ҳам шундай иқтисодий ишларни қўриш мумкин. 2005 йилда бу ерда 5560 та янги иш ўрни яратиш лозим эди. Амалда 5971 та янги иш жойи барпо этилди. Одамлар бандлигини, қандай ишларга мўйиллигини аниқлаш мақсадида аҳоли орасида доимий иқтимоий сўровлар ўтказилмоқда. Тумандаги 26 та корхона ва ташкилотларда умумтаълим муассасалари, касб-ҳўнар коллежлари, ўрта-маҳсус ҳанда олий ўқув юрталарини тугатган, биринчи марта иш қидирувчи ёшлар учун иш ўринлари ажратилиб, ушбу квоталарга кўра 852 нафар ёш ишга жойлашган.

Афсуски, бундай ибратли мисолларни ҳамма туманлардан келтириб бўлмайди. Ёқтимол шу сабабли ҳам мамлакатимиз миқёсда ишсизлигини бартараф этиш муаммоси ҳамон кўндаланг бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 февраль кўни бўлиб ўтган мажлисида Президент Ислам Каримов аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шартин бўлган бандлик масаласини ҳал этишни асосий устувор йўналишлардан бири сифатида санаб ўтди:


«Мазкур долзарб муаммони ечиш нафақат иқтисодий, балки улкан иқтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлгани ҳақида ортиқча гапиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Бундай ўта долзарб ва муҳим вазифаларни ечишда ҳеч ким, авваламбор маҳаллий ҳокимиятлар раҳбарлари ва ходимлари четда турмаслиғи керак.»

Ўртабосқимнинг кўюниб сўзлаган бу гаплари ҳар бир туман раҳбарини сергақ тортириши керак эмасми? «Мардикор бозор»ларида ўтказган «таджикот»ларимиздан аён бўлдики, асосий ишчи кучи туманлардан, қишлоқлардан келган. Улар орасида касб-ҳўнар коллежларини битирган кўплаб ёшлар учрайди. Ахир улар ўқиб чиққан бу замонавий касб-ҳўнар коллежларини қуриш, жиҳозлашга давлат миллиард-миллиард маблағ сарфламади-ми? Коллежда ҳар бир мутахассисни тайёрлаш учун қанча пул, қанча қимматли вақт кетди-ку! Нега маҳаллий ҳокимлар раҳбарлари масаланинг бу жиҳатларига эътибор беришмаяпти?

БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ГИМНАСТИКА ТЎГАРАГИ

Хонка туманидаги 5-сон «Сайёра» мактабгача тарбия муассасасида қизалоқлар учун бадий гимнастика тўғараги очилди.



Суратда: қизалоқлар бадий гимнастика бўйича машқларни бажона дил бажаришади.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Инсон хотираси — азия

ОДАМЛАР ЁДИДА ЯШАЙДИ

Врач Одилжон Аҳмедов, фельдшер Ориф Рустамов ва хайдовчи Иброҳим Мансуровлар республика Шотилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида кўп йиллардан бери меҳнат қилишарди. Улар беморлар дардига маълум бўла оладиган, касбига содиқ, бир сўз билан айтганда, эзгу ниятли мард инсонлар эди.

Шифокорлар бригадаси 2005 йил 13 май кўни чақирувга биноан тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун йўлга чиққанда террорчилар ҳужумига учраб, ҳалок бўлишди. Улар она-Ватан олдидаги бурчига содиқ қолиб, жонларини фидо қилдилар.

Одилжон мендан 3-4 ёш кичик эди, — деб хотирлайди врач Абдувоҳид Йўлдошев. — У билан ёнма-ён ишлаганимиз. Одилжон биз ҳамкасблари ва беморларга жуда меҳрибон эди. Фельдшер Орифжон эса ўз меҳнати ва фаоллиги билан жамоада оро топаганди.

Хайдовчи Иброҳим Мансуров ҳам кўп яхши хислатлар эгаси эди, — дейди врач Абдуманноб Мамадалиев.

Бу инсонларнинг ҳар бири бир олам, — дея сўхбатга қўшилиди ҳамшира Малика Раҳмонова.

— Афсус, ҳаётдан бевақт кетишди. Ҳар учала ҳамкасбимизнинг ўз бурчларига содиқ қолиб, одамлар соғлиғини деб қилган фидойиликлари юртдошларимиз, ҳамшаҳарларимиз дилида қолди.

Дарҳақиқат, Одилжон Аҳмедовнинг уч фарзандини турмуш ўртоғи Мунираҳон тарбиялаб ўстиряпти. Қизи Севара Андижон тиббиёт коллежиде тахсил олмоқда. Унинг мақсади — дасидек шифокор бўлиш. Жасурбек билан Абдуллоҳ Андижон Олимпия захиралари коллежиде ўқимокда.

— Ўғлимнинг фарзандлари отасидек мард, эл хизматига лойиқ бўлишини Яратгандан сўрайман, — дейди Одилжоннинг онаси Ёқутхон Аҳмедова. — Боламининг Жамолдин, Расулжон, Қобилжон каби дўстлари тез-тез йўқлаб, хонадонимизга келиб, фарзандимдек кўнглимни кўтаришди...

— Одилжон олижаноб инсон эди, — дейди Қобилжон Қодиоров. — Мактабда бирга ўқидик, бир маҳаллада вояга етдик. Унинг юриш-туриши, ҳулиқи, одоби болаликдан менга таниш. Дўстлики қадрлариди, энг асосийси, қўлидан келган ёрдами ни ҳеч қимдан аямасди.

Бадий гимнастика

— Муассасамизга 140 нафар кичкинтой қатнайдди, — дейди мактабгача тарбия муассасаси мудири Болжон Нурметова. — Уларнинг орасидан 20 нафар бадий гимнастикага ўқувчи бор қизалоқларни танлаб олиб, машғулотларни бошлаб юбордик. Энг муҳими, дастлабки натижалар кутилгандан ҳам зиёда бўляпти. Қизалоқлар спортнинг бу бўлигида ҳамда нафис турини севиб қолишди ва маҳоратларини кундан кунга ошириб бораётир. Фарзандларининг бадий гимнастика билан шўғулланишларини хоҳлаётган ота-оналар сони эса тобора кўпаймоқда.

...Миршароф Мухсимов... Бу имзо газетонлар китобхоналарга ўтган асрнинг 60-йиллари бошидан ҳақиқат таниш. Менинг эса қалбимдан фахрли жой олиб, кўнглимга маъқул тушган устозларимдан бири.

Худди кечагидек эсимда. 1972 йил ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тугатиш арафасида тахририятга ишлаб чиқариш практикасига келдим. Амалиётчи одатда тахририятнинг ҳамма бўлимлари иши билан танишишни керак эди. Гал — ўша пайтдаги фан, маданият, маориф ва олий ўқув юртлири бўлимига келди. Бўлимда эса таниқли ёзувчи Уктам Усмонов, Ўткиржон Абдуазимов (иккисининг ҳам Оллоҳ жойларини жаннатдан қилган бўлсин!) ва Миршароф Мухсимовлар ишларди.

Улар жуда илиқ қутиб олишди ва айни пайтда «талаб»ларини ҳам дағал айта қолди: «Мехмонга келганингиз йўқ, вази-фангиз — фақат бўлим иши билан танишиш эмас, ишланг, ёзинг, қаламингизни кўрайлик...»

Кундалик дафтаримга ёзиб қўйган эканман: ўшанда (15 ноябрь, 1972 йил) айни шу сўзлар Миршароф аканинг оғзидан чиққан экан.

...Ишга шўнғидим... Мақола, тахрир, таржима... одамларнинг номидан материаллар уюштириш (ўшанда шундай тахрир бора эди!), муаллиф топиш, ҳаётимдан излаш, мавзулар ўйнаш...

Қўз қўнлари эди... Миршароф ака қўлимга содиқ иттифоқ на-шарларидан бири — «Крестьянка» журналининг 9-сонини тўтқазди: «Мана бу суратдаги талаба қизини топиш, ўзимиздан

экан. Литва республикасида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган ёш механизаторлар кўригида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилибди. Фахрли ўрин олган, ўрганинг, ёзинг...

Бордим, ёздим, лекин устозга у қадар маъқул бўлмади. — Қаҳрамонингизни тахририятга чақирсак, келармикан? — сўради у киши. — Келадим...

«...СИЗДАН ЮҚҚАН, УСТОЗ!»

ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТ МИРШАРОФ МУХСИМОВ ИХОДИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

Мен устознинг сўхбатдош билан бошлаган гурунги жараёнини қузатиб, берган саволлари ва ёзиб олган маълумотларига эътибор бериб турдим... Кейин мақола-ни бирга ёздик... Кўп ўтмай ик-кимизнинг имзомиз билан «Қи-зил дуррачани қиз» сарлавҳали каттагина лавҳа (1972 йил, 26 ноябрь) босилиб чиқди. Газета ле-тучаси (адабий ўқув соати)да у яхши баҳо олди...

Шу-шу менда ғайрат, ишонч пайдо бўлди. Кейин яна иккала-миз 2-3 бор ҳамкорлик қилдик. Бир-биримизга ўрганиб, таниб, суниб кетдик. Дастлабки мақо-ларимга устознинг «Аволдлар қиссаси», «Ҳаёт баҳори», «Алло-малар» номли тўпламларига кир-ган очерклар катта «туртки» бер-ди. Айниқса, у кишининг «Ўзе-бекистон юлдузлари», «Ўзбекистон қўшиқлари», «Зиёлилар», «Эл

эзолаған аёллар», «Жасорат» сингари йирик публицистик ки-тоблардан жой олган қатор очерклар қай услубда ёзиш ке-раклиги борасида мен унч ўзига хос мактаб жараёнини ўтаган де-сам муболага бўлмади.

— Миршароф аввал ўйлаб, кейин ўйнаб ёзди, — деб қолди бир гал газетамизнинг ҳафталик лётучасида ўша кездagi бош му-ҳарриримиз, таниқли ёзувчи Мақ-

— Яхши маънода айтаясизми? — орага қўшилди Уктамжон ака. — Ҳа-да, — завок билан жавоб қилдилар. — Урушқоқлиги шун-даки, сўзида туриб билади, ўзи ишонган, тўғри қарашларини йи-қилиб қолгунча ҳимоя қилавера-ди, собит...

Сўнги сўзлар кўнглимга дал-да бўлди ва: «Икковини ҳам ўзин-гиздан олганман, Сиздан юққан, — дедим мен ҳам қўлги аралаш...



— Хайрият-е, Миршарофдан ҳам юққан, — ҳазилга бурди яна Уктамжон ака...

Буллар ўтган гаплар, ақинда ҳам-касблардан бири Миршароф ака-нинг республика газеталарида чиққан мақоалари ҳақида завок билан гапириб қолди. Уларни мен ҳам ўқигандим. Шу ёшда ҳам қўл-дан қаламин қўймай ижод қилаёт-ган фидойи журналист, устозимга ҳурматим яна бир чандон ошди.

Устоз, Сизда кўпчиликка ёқадиган ва юқадиган фазилатлар кўп. Ўйлагим, бундан кейин ҳам ўзқ йиллар бизларга ибрат бўлиб юринг. Зеро, бунга — ҳам маъна-вий, ҳам маърифий ҳаққингиз бор: Республикада хизмат кўрсат-ган забардаст журналистларнинг бирисиз... Соғ бўлинг!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Маданият

ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ — САМАРҚАНДДА

«ЁШЛАР — ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК, ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ»

шиори остида Денов туманида ёшлар форуми бўлиб ўтди

Ёшлар — келажагимиз. Уларнинг етук инсонлар бўлиб вояга етишишлар учун мамолақатимизда барча шариолатлар яратилган. Замонавий илм масканлари, кўркем спорт иншоотлари шулар жумласидандир. Аммо шунга қарамай, орамизда турли оқим ва гуруҳларга билиб-билмай кириб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Биз уларни бу йўлдан қайтариб, тўғри йўлга бошлашимиз лозим.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, вилоят миллий ҳавфсизлик хизмати, прокуратура, ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан Денов марказий ўйинго-

ҳида ўтказилган ёшлар форуми мазкур масалага бағишланди. Уни Сурхондарё вилояти ҳоки-ми Абдулҳамид Эшмуродов ки-риш сўзи билан очди.

— Мустақил Ватанимизнинг гуллаб-яшнашида ёшларнинг ўрни беқиёс, — деди у. — Шун-дай экан, уларга тўғри йўлни кўрсатиш, ватанпарварлик руҳи-да тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шундагина биз кўзланган мақсадга эришамиз.

— Диёримиз дунёга ислом нуруни таратиб келган алло-малар юртидир, — дейди Ўзе-бекистон мусулмонлари идора-си раисининг маслаҳатчиси

Ҳожи Абдураззоқ Юнус. — Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурхониддин Ма-ринионинг ва бошқалар диний ва дунёвий илмлар йўлида ёрқин из қолдиришган. Ана шундай буюк аждодларимиз ҳам доимо тинчлик, осойиш-таликини улуғлашган.

Шундан сўнг, вилоят ҳокими ўз хизмат вазифасини бажа-раётган чоғда мардларча ҳалқ бўлган ҳуқуқ-тартибот органла-ри ходимлари Салоҳиддин Бекмуродов ҳамда Хидирали Рўзиевларнинг оила аъзола-рига совғалар топширди.

(Ўз мухбиримиз)

Ўн кун давом этган спектакл-лар намоиши олдидан Ўзбекис-тон халқ артисти Лутфулла Саъ-дуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулнеҳра Саъ-дуллаева ва бошқа санъат уста-лари билан юзма-юз мулоқот-лар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

— Ёш томошабинлар театри илк бор Самарқандда ижодий сафарда бўлмоқда, — дейди Лут-фулла Саъдуллаев. — Мақсади-миз, ёшларимизни театрга бўлган қизиқишини орттириш ба-робарида уларга маънавий озуқа беришдир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик қаламига мансуб «Заҳарли томчилар» спектак-ли намоиши самарқандлик театр мухлислари томонидан



катта қизиқиш билан қутиб олинди. Ёшларни ғийҳандлик, ичкиликбозлик, диний экстре-мизм, ақидапарастлик сингари иллатларга қарши курашишга даъват этувчи ушбу спектакль томошабинлар қалбидан ўзгача жой олди. Шунингдек, болажон-лар учун мўлжалланган Феруз Маъсудовнинг «Қуноқ жин» за-монавий мусиқали эртаги томо-шаси ҳам тарбиявий аҳамият жиҳатидан ёш томошабинлар қалбига кириб борди.

— Тўғриси шаҳримиз театр-ларидаги спектакллар, миллий-лигимизга йўрилган фильмлар намоиши қамайгандек, — дей-ди Азиза Ибодова. — Ўзим ўқитувчиман, ёшларни тарбия-лаш, тўғри йўлга бошлаш учун

кўпроқ чуқур мазмунга эга фильм ва спектакллар яратиш, мунтазам сахна ва экранларда қўйиб борилиши керак. Пой-тахтлик ижодкорлар томонидан ишланган Тоҳир Малик қалами-га мансуб «Заҳарли томчилар» спектакли барча томошабинлар-ни тўлқинлантириб юборди. Унда акс этган миллий менталитети-мизга ёт хатти-ҳаракатлар, тор доирадаги ўй-ҳаёллар оғушида бўлган ёшларнинг хатти-ҳарака-ти ҳар қандай киши қалбига на-фрат уйғотди.

Ҳар кун икки мартадан кат-талар ва болажонлар учун на-моиш этилган спектакллар маз-мун-моҳияти, тарбиявий аҳа-ми-яти жиҳатидан Самарқанд ахли-да катта таассурот қолдирди. Шунингдек, театр жамоаси са-фар чоғида Меҳрибонлик уйла-ри, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун хайрия ке-ча-лари ўтказди. Ўқув юртлири ва меҳнат жамоаларида бўлиб, мух-лислар билан қизгин сўхбат ва учрашувлар ташкил этди.

Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Суратлада: спектакл-дан лавҳалар

Интер-спорт

МУТЛАҚ ЧЕМПИОНЛИКНИ ОРЗУ ҚИЛИБ

WBO йўналиши бўйича ўта оғир вазндаги жаҳон чемпиони Сергей Ляхович ўтган ой бошида Леймон Брюстер билан жангда ғалаба қозониб, иш юри-тувчиси Ивайло Готцевга берган ваъдасини бажарган эди. Мана энди Сергей ўзи-га ўхшаш оғир вазндаги жа-ҳон чемпиони Николай Ва-лєв билан учрашишни ният қилмоқда.

— Бугунги кунда иккала-миз ҳам оғир вазндаги че-мпонлардан саналамиз, — дейди Сергей. — Ўйлайман-

ки, Николай ҳам, мен ҳам бу йўналишда ягона чемпион бўлиб қолишни орзу қила-миз. Лекин у ҳам, мен ҳам ўзаро учрашгунга қадар ун-вонимизни яна бир карра ҳимоя қилишимизга тўғри ке-лади. Ана шундан кейин ўртаимизда катта жанг бўли-ши мумкин.

Сергей билан Николай ўртасида жанг бўлиш-бўлмаслиги ҳақида ҳозирча аниқ фикр айтиш қийин. Чун-ки иш юритувчилар бу бора-да ўзаро музокарага кириш-ганлари йўқ.

ООО «Автойл инвест» имеет намерения приобрести 13496 (тринадцать тысяч четыреста девяносто шесть) простых именных безналичных акций (25,963% от уставного фонда) ОАО «Shifokor-non», расположенного по адресу: г. Ташкент, ул. Гуляма Каримова, 11.

ОАО «Охангарондон» имеет намерения приобрести 12475 (двенадцать тысяч четыреста семьдесят пять) простых именных безналичных акций (24% от уставного фонда) ОАО «Shifokor-non», расположенного по адресу: г. Ташкент, ул. Гуляма Каримова, 11.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси аукцион савдоларини ўтказад

Савдоларга Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Нишуров кўчаси, 28-ўйда жойлашган «Hajm blokli uy qurilish tajribaviy kombinati» (ЭКОБД) хиссасдорлик жамиятига қарашли аввал савдоларга қўйилган, 1987 йилда қурилган «КПД-5» заводи 810 080 000 сўм бошланғич нарх билан қўйилганлигини маълум қилади. Завод жойлашган майдон 157 728 кв.метри, бино ва иншоотлар умумий майдони 70 273 кв.метри ташкил қилади.

Завод сув, канализация, иссиқлик ва электр тармоғи билан таъминланган. Шунингдек, аукцион савдоларига «Hajm blokli uy qurilish tajribaviy kombinati» (ЭКОБД) хиссасдорлик жамиятининг 1986 йилда қурилган, майдони 12096 кв.м бўлган омборхона биноси қўйилади. Бинонинг баландлиги 14,4 метр, ҳажми 24х2х252м. Сув, иссиқлик, канализация ва электр тармоғи билан таъминланган. Омборхона худуди те-мир бетонли тўсиқлар билан ўралган. Дар-

возаси темирдан. Омборхонада 32 тонналик юк кўтарувчи 4 дона кўприкли кран мавжуд. Объектнинг бошланғич нархи — 200 000 000 сўм.

Мазкур объектлар бўйича аукцион савдолари 2006 йилнинг 16,20,23,27,30 июнь кунлари ўтказилади

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектларнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридида закат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» ўйда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гувоҳнома №000815



«Нажмиддин Ҳожи ота» қурилиш моллари дўкони Сизга ҳар хил турдаги энг сифатли, энг харидотгир қурилиш маҳсулотларини харид қилишни тавсия этади:

- шпатлевкалар;
- зандалмайидан темир дарвоза ва панжаралар;
- сифатли қоғоз елимлари;
- «Hakan plastik» фирмасининг иссиқ, совуқ сувларга мўлжалланган пластмасса қувурлари;
- «АКРА» — Туркияда ишлаб чиқарилган аллюмин эшик ва ромлари (бюджетта асосида).

Мурожаат учун телефонлар: 367-82-27; 189-89-83; 188-84-17. Факс: 367-96-38.

Манзил: Чилонзор кўчаси, 15-уй

Мўлжал: «Ўзбекфильм» ёнида

Тошкент шаҳар Миробод туманида фаолият юритаётган «Osiyo Qurilish Komplekt» масъулияти чекланган жамияти СТИР 204719718

ТУГАТИЛАДИ.

Даво ва эътирозлар эълон қилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қўйидаги телефон орқали қабул қилинади: 79-25-10.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши ижроия қўмитаси вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Жамшид Гуломмаҳмудовга отаси Анвар Гуломмаҳмудовнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва оила аъзоларига сабр-бардод тилайди.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Asliddin RUSTAMOV

Ashur QODIROV

Bobir ALIMOV

Faruh HAMROEV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Alimqul SULTONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Andrey OROV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

«Golos Uzbekistana»

Norbobo SHAKAROV

Nomoz SA'DULLAYEV

To'lepbegen

QAIPBERGENOV

Muslihdin

MUHIDDINOV

Olim MURODOV

Abdug'ani

MAMASODIQOV

(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ

DEMOKRATIK PARTIYASI

MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

Siyosat, partiya va

xalqaro hayot

133-10-13

Ma'naviyat va ma'rifat

133-69-45

Ijtimoiy hayot va

iqtisodiyot

133-20-36

Parlament va huquq

136-76-21

Ekologiya va

salomatlik

133-44-55

Axborot, sport va

harbiy vatanparvarlik

133-21-43

Xatlar va

ommaviy ishlar

133-12-56 (Tel. Faks)

Mas'ul kotib

133-72-83

Reklama va e'lonlar

133-38-55, 133-47-80

VILOY